



Савол:

Намоз учун таҳорат қилгач, гўдак болани қўлга олиб турган эдим, у устимни ҳўллаб қўйди. Бавл теккан жойларни ювиб ташлаб, намоз ўқийвердим, қайта таҳорат қилмадим. Шу намозим дуруст бўлдимми?

Жавоб:

Алҳамду лиллаҳ, вас-солату вас-саламу ала расулиҳи ва алиҳи ва соҳбиҳи, ва баъд.. Намозингиз саҳиҳ. Чунки, гўдак боланинг сийдиги тегса, таҳорат кетмайди, фақат сийдик теккан жойларингизни ювиб ташлашингиз вожиб бўлади. Тавфиқ Аллоҳдандир. Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга ҳамда у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўлласин.